



EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM
O'ZGARISHI VAZIRLIGI

**2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб
эълон қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган чора-
тадбирлар, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, “Яшил
макон” дастурини амалга ошириш бўйича манзилли ишларни ташкил
қилиш юзасидан Экология атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазири А. Абдухакимовнинг
МАЪРУЗАСИ**



АСОСИЙ САБАБЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши энг катта **хавф соладиган соҳалар:**

- Сув хўжалиги бошқаруви
- Қишлоқ хўжалиги бошқаруви



Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида” 2023 йил 23 июлдаги ПФ–106-сонли Фармони билан иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг ички институционал механизмларини такомиллаштириш мақсадида Президент ҳузурида **Иқлим Кенгаши** ва Экология вазирлиги ҳузурида **Иқлим ўзгариши миллий маркази** ташкил этилди.



АСОСИЙ САБАБЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР

- Иқлим ўзгаришига асосий сабабчи ҳисобланадиган иссиқхона газларининг **74 фоизи** энергетика соҳасига, қолган **26 фоизи** қишлоқ хўжалиги (**19 фоиз**), маиший чиқиндилар (**4 фоиз**) ва саноат жараёнларига (**3 фоиз**) тўғри келади.
- Шу ўринда, **иссиқхона газлари** (парниковые газы) деганда, иссиқхона (теплица, парник)дан чиқадиган газ деб тушуниш керак эмаслигига эътиборингизни қаратаман. Иссиқхона газлари – Ер атмосфераси шаффофлигини камайтириш ҳисобига, сайёрамизга тушган қуёш нурларининг маълум қисмини очиқ коинотга қайтиб кетмасдан, Ер атмосферасида ушланиб қолишига сабабчи бўладиган карбонат ангидрид (углекислый газ), сув буғи, метан, озон ва синтетик кимёвий газлардир.





“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИГА

Давлатимиз Раҳбари 2023 йил 11 сентябрда ПФ–158-сон Фармон билан тасдиқлаб берган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига кўра, 2030 йилгача зиммамизга қуйидаги вазифалар юклатилган:

- атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини **10,5 фоизга камайтириш**
- атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи хўжалик юритувчи субъектлардаги ифлослантирувчи технологияларни тўлиқ модернизация қилиш;
- ҳар йили **200 миллион туп** дарахт экиб, республикада яшиллик даражасини **30 фоизга** етказиш;
- ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини қум кўчишидан сақлаш учун **26 200 гектар** ихота дарахтзорларини барпо этиш, республикада ўрмон билан қопланган майдонларни **6,1 миллион гектарга** етказиш;
- қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини **100 фоизга**, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини **65 фоизга** етказиш, маиший чиқинди полигонларини **50 фоизга** қисқартириш.

Шу билан бирга, эътиборингизни қонунчиликка кўра бу вазифалар нафақат Экология вазирлиги, балки ҳокимликлар зиммасига ҳам юклатилганига қаратмоқчиман.




“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИГА

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**”ги **Қонуни 8-моддасида** *экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат бошқаруви* Вазирлар Маҳкамаси, Экология вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу Қонуннинг 10-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларига қуйидаги ваколатлар берилган:

- ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, экология дастурини тасдиқлаш;
- табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;
- табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;





I. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШИДА:

- соҳага доир қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, жамоатчилик назорати ролини ошириш, биохилмахилликни асраш механизмлари ва рағбатлантириш тизими, экологик назорат ва мониторингни амалга ошириш тартибини белгиловчи *Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодекси лойиҳаси*
- атроф-муҳитга зарар етказиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини nobуд қилиш ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган **Қонун лойиҳаси**
- инсонларнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлишга доир ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида **“Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида”ги янги Қонун лойиҳаси**
- саноат корхоналари ва транспорт воситаларининг зарарли ташламаларини камида **20 фоизга** камайтиришни назарда тутган ҳолда, **Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича 2025-2035 йилларга мўлжалланган Стратегия ишлаб чиқилади**





I. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШИДА:

- Атмосферага ташламаларни камайтириш ҳар доимгидек диққатимиз марказида бўлади. Хусусан, бу борада келгуси **5 йилда 450 та** саноат корхонасида (*2020-2024 йилларда 308 та*) чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш ва модернизация қилиш, 1 мингдан ортиқ саноат корхоналари ва уларга туташ ҳудудларда **10 млн туп** дарахт ва бута кўчатларини экиш орқали “яшил белбоғ” лар барпо этиш ҳисобига атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори **6 фоизга** камайтирилади.
- Бунда, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига кирувчи саноат корхоналарининг ташланмаларни камайтириш бўйича саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш механизмлари жорий этилади.
- Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосини яхшилашни назарда тутувчи “**Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастури**” ишлаб чиқилади.
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини техник жиҳатдан тартибга солиш тизими такомиллаштирилиб, **213 та** экологик меъёр ва қоидалар босқичма-босқич жорий этилади.
- Республика туман ва шаҳарларида ҳаво тозалигини мониторинг қилувчи **347 та** автоматлашган кичик станциялар ўрнатилади.

Соҳадаги жараёнларнинг очиқлигини таъминлаш ва жамоатчилик ролини ошириш мақсадида “**ecoinfo.uz**” жамоатчилик платформаси ишга туширилади. Шунингдек, интерактив онлайн экологик маълумотлар ягона платформаси (**ECODATA**) яратилади.





II. ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ:

Чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлашни рағбатлантиришга қаратилган **“Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси** ишлаб чиқилади.

- Қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати **1,3 млрд доллар** бўлган **5 та инвестиция** лойиҳасини амалга ошириш бошланади. Келгусида ушбу лойиҳалар ишга тушганидан кейин, йилига **4,7 млн тонна чиқиндини** утилизация қилиш ва **2,1 млрд килоВатт-соат** электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, полигонлар сони беш баробарга қисқаради, **1 минг 200 та янги** иш ўрни яратилади.





II. ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ:

- **АҚШнинг “Sayar LLC”** компанияси иштирокида **115 млн доллар** инвестиция ҳисобига республика ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида йилига ҳосил бўладиган **96 минг тонна** тиббиёт чиқиндиларини термик қайта ишлаб, иссиқлик энергияси ишлаб чиқарадиган ускуналар ўрнатиш бўйича лойиҳани бошлаймиз (*1 мингтага* яқин янги иш ўрни яратилади).
- Тошкент вилоятида **Кореянинг “Sejin”** компанияси иштирокида **55 млн доллар** инвестиция ҳисобига қаттиқ маиший чиқинди полигониди ҳосил бўладиган чиқинди газини ёқиб, **16 МегаВатт** электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналарни ўрнатиш бўйича лойиҳа бошланади.





II. ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ:

- Корея экология корпорациясидан **6,2 млн доллар** грант жалб қилган ҳолда, Жиззахда чиқинди полигони рекультивация қилиш ва чиқинди газларини ёқиш заводида қуриш лойиҳаси бўйича ишларни бошлаймиз.
- Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Айланма иқтисодиётга мос равишда қаттиқ чиқиндиларни бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси доирасида **100 млн доллар** ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда **200 млн доллар** миқдоридаги хорижий маблағларни ўзлаштириш орқали чиқиндилар билан ишловчи корхоналар моддий-техник базаси мустаҳкамлаш бўйича режаларимиз мавжуд.
- Экосаноат зоналарини ташкил этиш ва рағбатлантириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бунда, экосаноат зоналарида чиқинди таркибидан саралаб олинган турли иккиламчи хомашёни қайта ишлаш орқали, **15 турдаги** маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва **20 мингга яқин** янги иш ўрни яратилади.
- Мавжуд **197 та (1,6 минг гектар)** маиший чиқинди полигонларидан **151 таси** рекультивация қилинади (*970 гектар*).



III. “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЯШИЛ ХУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида яшил ҳудудларни кенгайтириш ва чўлланишга қарши курашиш бўйича ишлар изчил давом эттирилиб, республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражаси ҳозирги **8,1 фоиздан** 2030 йилда **15 фоизга (6,1 млн гектар)** етказилади.

Ўрмонлардаги ер, сув, ер ости бойликлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш бўйича муносабатларни тартибга солиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодекси** лойиҳаси ишлаб чиқилади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили **200 млн туп**, яъни кейинги беш йилда жами **1 млрд туп** дарахт ва бута кўчатлари экилади (2021-2024 йилларда 667 млн туп кўчат экилди).

